2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 196 (718), 2022 йил 23 сентябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Нурафшон шаҳрида 22 сентябрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, улар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади.

— Ҳаммангиз тушунасиз, бугунги таҳликали замонда яшаш, ташқи сиёсатни ҳам, ички сиёсатни ҳам барқарор қилиб, жонажон Ватанимиз манфаатини таъминлаш, халқимизни рози қилиш осон эмас. Бунинг учун ҳар куни изланиб, бор имкониятларни тўлиқ ишга солиш керак. Тошкент қадимий вилоят, табиий бойликлари, саноати, еру суви бўйича катта вилоят. Мен одамлар билан кўп учрашаман, улар ўзгаришларни сезаяпти, айтаяпти. Лекин бу ҳаракатлар давом этармикан, янада яхши бўлармикан, деган савол ҳам бор. Шунинг учун халқ билан бирга, маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги корхоналар ва иш ўринларини кўпайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Тошкент вилояти ҳокими лавозимига Зойир Мирзаев номзодини тавсия этди.

З.Мирзаев 1968 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Кўп йиллар молия, иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритган. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига раҳбарлик қилган. Бош вазир ўринбосари сифатида мамлакатимизнинг агросаноат комплексини бошқарган. У 2021 йил ноябрь ойидан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал очиқ мулоқот қилиб, унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Зойир Мирзаев тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризмни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича таклифларини маълум қилди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий жиҳатлари бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари учун бу йил қўшимча равишда 200 миллиард сўм, келгуси йил учун яна 850 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди. Бу соҳа паст ривожланган Пискент, Бўка, Бекобод ва Оққўрғон туманлари учун Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан бериладиган кафиллик миқдори кредитнинг 75 фоизигача оширилди, 2025 йилгача солиқ имтиёзлари берилди.

Тошкент вилоятининг саноат салоҳияти улкан. Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари йирик саноат марказларига айланмоқда. Саноат зоналари инфратузилмасини ривожлантириш учун 250 миллиард сўм, чарм-пойабзал ва текстиль лойиҳаларига 30 миллион доллар ажратилиши қайд этилди. Ангренда фарфор ва керамика кластери, Бекобод туманида чегараолди савдо зонасини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳудуднинг ер ва сув ресурслари ҳам кўп. Лекин маҳсулдорлик шунга яраша бўлмаяпти. Аслида ишни тўғри ташкил қилиб, мева-сабзавот экспортини 2 баравар ошириш, 120 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Шу мақсадда 9 минг гектарни деҳқон хўжаликларига тарқатиш, тоғолди ерларни ўзлаштириш, мева ва ток кўчатхоналари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Тошкент, Паркент, Янгийўл ва Қибрай туманларида ишга тушириладиган логистика марказларига 50 миллион доллар, чорвачиликни ривожлантиришга 30 миллион доллар ажратилиши айтилди.

Тошкент вилоятида 1 минг 22 та маҳалла бор. Улардаги инфратузилма ўрганилганда 840 та маҳаллада ички йўллар, 579 тасида ичимлик ва оқова сув тармоғи, 589 тасида электр ва газ таъминоти, 396 тасида мактаб, боғча ва поликлиникани таъмирлаш кераклиги аниқланган. Давлатимиз раҳбари бу масалалар аҳоли турмуши сифати, болалар камолотида муҳимлигини таъкидлаб, мутасаддиларга топшириқлар берди.

Вилоятдаги яна бир салоҳиятли соҳа — туризм. Лекин сайёҳларнинг 80 фоизи Бўстонлиқ туманига боради. Бошқа туманларда шароит ва хизматлар паст даражада. Шу боис, Паркент, Ангрен ва Оҳангароннинг тоғли жойларида туризм кластерлари ташкил этиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Нурафшонда университет очиш, кўп тармоқли тиббиёт маркази қуриш, таълим масканларини таъмирлаш вазифалари белгиланди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун 100 миллиард сўм субсидия ажратилиши, Зангиота туманида “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилиши айтилди. “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастурини жорий этиш таклифи билдирилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят кенгаши депутатлари номзоднинг режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тошкент вилояти ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Зойир Мирзаев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз халқ вакиллари юксак ишонч билдирган ҳоким ўз фаолиятида адолат, ҳалоллик, фидойилик ва масъулиятни намоён этиб, Тошкент вилояти аҳлига астойдил хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР КУН ТАРТИБИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини таваллуд куни билан чин дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар туркман халқига эса фаровонлик тилади.

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кенг қамровли кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалигида кооперацияни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитининг сермаҳсул натижалари юксак баҳоланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти биродар Туркманистон Президенти ва халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилади.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедовнинг суҳбати самимий, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

З.Т.МИРЗАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Зойир Тоирович Мирзаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги капитал қурилишда буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда — буюртмачи хизматлари) фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, қурилишда босқичма-босқич лойиҳа бошқаруви ёндашувига ўтиш, давлат объектлари қурилишини бошқаришга хусусий секторни кенг жалб қилишга имконият яратиш орқали қурилиш сифатини ошириш ҳамда қурилиш жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги **ҳузуридаги буюртмачи хизматлари ва уларнинг ҳудудий филиалларини**, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги **ҳузуридаги буюртмачи хизматининг ҳудудий филиалларини** (кейинги ўринларда — тугатилаётган буюртмачи хизматлари) **тугатиш**;

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобидан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган объектларнинг буюртмачиси сифатида тегишлича **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларини** (кейинги ўринларда — инжиниринг компаниялари) белгилаш;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 январдан бошлаб** дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия берилган фуқароларнинг уй-жойларни сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган **ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди.**

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваридан ошмаган қисмига татбиқ этилади;

2023 йилдан бошлаб ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ва реконструкция қилинган мол-мулк унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз олти ой ичида бегоналаштирилганда, мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган даромадлар белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2023 йил 1 январга қадар инжиниринг компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини **давлат унитар корхонаси** шаклига ўзгартириш.

2. Белгилансинки:

инжиниринг компаниялари тугатилаётган буюртмачи хизматларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси республика ҳудудларида иссиқлик тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради.

3. Тугатилаётган буюртмачи хизматлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш **муддати 2022 йил этиб белгиланган объектлардаги қурилиш ишларини жорий йилнинг 1 декабрига** қадар тўлиқ якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин;

жорий йил 1 декабрга қадар объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш **муддати 2022 йил 1 декабрдан ўтадиган, жорий йилда фойдаланишга топшириш имкони бўлмайдиган ва келгуси йилларга ўтувчи объектларнинг** ҳудудий жойлашуви бўйича инжиниринг компанияларига топширилишини таъминласин;

объектларни инжиниринг компанияларига топширгунга қадар улар бўйича буюртмачи вазифасини бажариб борсин, молиялаштиришни амалга оширсин, тегишли ҳисоботларни қабул қилсин ва топширсин.

4. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятлар ва объектларни топшириш, инжиниринг компаниялари томонидан эса қабул қилиб олиш ишларига кўмаклашиш;

фойдаланишга топшириш ёки инжиниринг компаниясига ўтказишда муаммолари мавжуд ҳар бир объектни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

манфаатдор вазирлик ва идораларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, коммунал, спорт ва бошқа соҳалар учун идоравий қурилиш нормаларини жорий этишда кўмаклашиш;

буюртмачи хизматлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳамда улар асосида тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бўлган бино-иншоотлар ва товар-моддий бойликлар уларнинг муассислари ёки инжиниринг компаниялари ихтиёрига ўтказилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича:

буюртмачи хизматларининг бизнес-режаси уларнинг муассиси (вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

буюртмачи хизматлари раҳбарларига иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳамда фаолиятини яхшилаш мақсадида ички тузилмани ўзгартиришга ҳамда штатлар жадвалини кўриб чиқишга рухсат берилади;

заруратга кўра, буюртмачи хизматлари ўз вазифаларини сифатли бажариши учун, шу жумладан, объектларни лойиҳалаш учун техник шартларни мукаммал тайёрлаш мақсадида уларнинг сақлаш харажатлари доирасида илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа ташкилотлар, хусусан, хорижий компанияларни ҳамда юқори малакали ва малакали мутахассисларни жалб қилади;

буюртмачи хизматларининг директори ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда муассиснинг қарори билан амалга оширилади;

буюртмачи хизматларининг директори корхона фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда муассис ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳисобот беради;

буюртмачи хизматларининг фаолияти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига **14 та штат** бирлигидан иборат **Буюртмачи хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш департаменти** ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **икки ой муддатда** буюртмачи хизматларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, зарур давлат ахборот тизимлари ва ресурсларига улаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

а) **икки ой муддатда:**

инжиниринг компанияларига малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

лойиҳа ҳужжатлари ва қурилиш ишлари сифатини ошириш ҳамда замонавий лойиҳа бошқаруви тизимини яратиш мақсадида инжиниринг компанияларининг штат жадвалига “**лойиҳа бошқаруви бўйича мутахассис**”, “**лойиҳа архитектори**”, “**лойиҳа муҳандиси**” лавозимларини киритсин;

инжиниринг компанияларини қурилиш жараёнини бошқариш, иш ҳажми ҳисобини юритиш, харажатларни назорат қилиш, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини мувофиқлаштириш, қурилиш ҳужжатлари билан ишлашга мўлжалланган махсус дастурий таъминот ва сервер ускуналари билан таъминласин;

б) доимий равишда инжиниринг компаниялари ходимларининг малакасини ошириб борсин ва уларнинг амалий стажировкаларини тизимли йўлга қўйсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **2022 йил 1 декабрга қадар** Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низомнинг янги таҳririни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

қурилишда буюртмачи хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорларини лойиҳани бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш харажатлари бўйича нормативларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаган ҳолда тасдиқлаш;

буюртмачи хизмати тузилмасини объектлар сони, ҳажми ва қийматига қараб унинг директори томонидан белгилаш.

Белгилансинки, лойиҳа (объект)нинг қиймати ёки капитал қўйилмалар лимитларини мақбуллаштиришда **буюртмачи хизматига тўланадиган хизмат ҳақини камайтириш тақиқланади**.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, буюртмачи хизматлари ходимлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш бўйича низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. **Ҳар бир ҳудудда** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, қиймати **10 миллиард** сўмдан юқори бўлган, қурилиш ва (ёки) реконструкция қилиш ишлари **2023 йил 1 январдан** бошланадиган камида **10** та объектда **лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда консалтинг хизматлари, лойиҳа бошқаруви хизматлари ҳамда техник назорат хизматларини кўрсатиш** давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ танлаб олинадиган **тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий ташкилотлар томонидан амалга оширилиши** тартиби жорий қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қиймати **10 миллиард** сўмдан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишда аутсорсинг асосида **тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқласин**.

Қурилиш вазирлиги:

2023 йил 1 апрелга қадар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида **техник назорат ишларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини баҳолаш платформасини** жорий қилсин. Бунда, рейтинг платформаси учун лойиҳалардаги мақбуллаштириш, қурилиш муддатини қисқартириш, сифатини ошириш, хавфсизлигини таъминлаш мезонлари асос қилиб олинсин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган техник назорат ишларининг самарадорлигини назорат қилсин ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни доимий равишда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

буюртмачи хизматлари техник топшириқлар ҳамда унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини **идоравий қурилиш нормаларига асосан ишлаб чиқади** ва эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишади;

буюртмачи хизматларига техник топшириқ, эскиз лойиҳаси, унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини ишлаб чиқишни аутсорсинг шартномалари асосида **тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда амалга ошириш ваколати берилади**;

буюртмачи хизматлари томонидан лойиҳа ташкилотини танлаш учун харид қилиш ҳужжатларига **қурилиш объектининг эскиз лойиҳаси** ҳамда унга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талаблари киритилиши шарт;

б) **2023 йил 1 январдан бошлаб** оммавий аҳамиятга эга **ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун** буюртмачи хизмати томонидан **архитектура танловини ўтказиш бўйича мажбурий тартиб белгиланади**.

Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда **оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектлар учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш тартибини** тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, архитектура танловининг ҳакамлар ҳайъатини шакллантириш тартиби, иштирокчиларни баҳолаш мезонлари, мукофот жамғармаси, танловни ўтказиш муддатлари ва танловни ёритиш тартиби назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 мартдан бошлаб** марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг смета қийматини аниқлаш Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг **маълумотлар базаларини интеграция қилган ҳолда,** Қурилиш вазирлиги томонидан жорий этиладиган “**Қурилиш ресурслари миллий классификатори**” **электрон платформаси асосида амалга оширилади**.

10. Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги:

бино ва иншоотларга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талабларини, шу жумладан, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва ушбу объектлардан фойдаланиш харажатларини оптималлаштиришга доир талабларни, идоравий қурилиш нормаларини Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаб борсин;

объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларнинг идоравий қурилиш нормаларига мувофиқлигини назорат қилсин.

Мазкур бандда кўрсатилган вазирликларга инжиниринг компаниялари, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, тасарруфидаги объектларда олиб борилаётган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўрганиш ўтказиб, инжиниринг компанияларига идоравий қурилиш нормаларига асосланган таклиф ва мулоҳазаларни билдириш ҳуқуқи берилсин.

11. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази ва Қурилишда стандартлаштириш республика маркази негизида давлат муассасаси шаклида **Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилсин.

Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда:

Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Институтга малакали раҳбар ҳамда маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилсин;

тугатилаётган Қурилишда техник меъёрлаш марказининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган штат бирликларини Қурилиш вазирлигининг марказий аппаратига ўтказсин ҳамда вазирликнинг таркибий тузилмасини такомиллаштирсин.

12. **2023 йил 1 январдан** бошлаб қуйидаги амалиётлар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали амалга оширилади:

инвестиция ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритиладиган объектларнинг манзилли рўйхатини ҳар бир лойиҳага идентификация рақами бериш орқали электрон тарзда шакллантириш ва тасдиқлаш (давлат сирини ташкил этувчи махфийлик даражасига эга объектлар бундан мустасно);

қурилиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан муаллифлик ва техник назорат бўйича мутахассислар томонидан пудрат ташкилотига кўрсатма бериш ҳамда унинг ижроси юзасидан назорат ўрнатиш.

13. Молия вазирлиги:

тугатилаётган буюртмачи хизматларининг 2022 йил учун харажатлар сметасини белгиланган тартибда қайта рўйхатга олсин. Бунда ишдан бўшаётган ходимлар учун компенсация тўловлари назарда тутилсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** инжиниринг компаниялари буюртмачилигида амалга оширилаётган қурилиш жараёнини молиялаштиришни режалаштириш ва пудратчи ташкилотлар олдидаги мавжуд кредитор қарздорликни сўндириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшайдиган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

14. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи:

уч ой муддатда вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган буюртмачи хизматларини босқичма-босқич тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2022 йил 1 декабрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бино ва иншоотлар, товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда хатловдан ўтказсин ҳамда мазкур мулклардан самарали фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Қурилиш вазирлиги:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

жорий йил якунига қадар Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва бошқа олий таълим муассасаларини жалб қилган ҳолда, қурилиш соҳасида лойиҳаларни бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш бўйича ривожланган давлатлардаги таълим стандартлари ва дастурларига асосан лойиҳаларни бошқарувчи ва техник назорат бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга оид ўқув дастурларининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

техник назорат бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-амалиёт жараёнини самарали ташкил этиб, буюртмачи хизмати мутахассисларининг малакасини доимий тарзда ошириб бориш тизимини жорий этсин;

б) **2023 йил 1 июлга қадар** фуқаролар учун геолокацияси кўрсатилган ҳолда, қурилиш ишларини олиб бориш учун берилган барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан, қурилиш назоратини олиб боришда чиқарилган хулосалар билан танишиш имконини берувчи очиқ электрон тизим яратсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш вазири Б.И.Закиров ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари А.М.Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб**, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилсин.

4. 2021 йилда янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин**.

5. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг халқаро молия ташкилотларидан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган маблағлар ҳисобидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖга (кейинги ўринларда — Компания) тижорат банклари томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил муддатга 12 фоиз ставкада ва фоиз тўловларини ҳар 6 ойда тўлаш шарти билан **300 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулласин**.

Бунда, Компания ресурсларни тижорат банкларига 1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда маржа қўллаган ҳолда жойлаштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари **йил якунига қадар:**

уй-жойларни сотиб олиш ва ипотека кредитларини расмийлаштириш жараёнларида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида вилоятлар марказларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ипотека марказларини ташкил этиш;

ипотека марказларида ҳудудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилотларининг сотув офисларини, тижорат банкларининг банк бурчаги ва кассаларини ҳамда хусусий нотариал идораларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** аҳолига уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия ажратиш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, ипотека кредити ажратиш тартибини соддалаштиришни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти,
тарих фанлари доктори, профессор

Дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган уруш ва можаролар, сиёсий-ҳарбий тўқнашувлар, табиий ва экологик офатлар иқлим ўзгариши, сув ҳамда бошқа табиий ресурслар етишмовчилиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, турли касалликлар тарқалиши ва оқибатлари, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар каби муаммоларни юзага келтирмоқда. Уларнинг ечимини топиш учун жаҳон ҳамжамияти ўзаро мулоқотга киришиши лозим бўлиб қолди. Айнан ШҲТнинг Самарқанд саммити шундай мулоқотни ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишонч асосида яратиб берди, деб айта оламиз.

ШҲТ саммити учун бежиз Самарқанд танланмаган. Инсоният тамаддуни марказларидан бири бўлган бу шаҳар азалдан давлат пойтахти, савдо ва маданият маркази сифатида машҳур бўлган. Саммитга тайёргарлик жараёнида бу шаҳар янада гўзаллашди.

2022 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Президентининг “Самарқанд саммити олдидан: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Саммит олдидан чоп этилган ушбу мақолада давлатимиз раҳбари ШҲТнинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаганини таъкидлаганди.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон раислигида ШҲТнинг 80 дан ортиқ тадбири ўтказилди. Бу тадбирлар пандемия вақтида ҳам тўхтаб қолмади. Чунки Президентимиз “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади”, деб бежиз таъкидламади. Ўз мақсад ва вазифаларидан чекинмаган Ўзбекистон ШҲТнинг Самарқанд саммитида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ташаббусларни илгари сурди.

Саммит доирасида 44 та ҳужжат ҳамда тарихий аҳамиятга эга бўлган Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

ШҲТнинг Самарқанд саммити Ўзбекистон учун қандай манфаатлар олиб келди?

Саммитда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши тўғрисидаги битим имзолангани тарихий воқеа бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистон шу жараёнда янги муҳим лойиҳа — “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Ўзбекистон Ҳиндистон билан транспорт алоқаларини, жумладан, Эроннинг Чобаҳор портидан фойдаланган ҳолда алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Чунки темир йўллар қурилиши муҳим бўлиб, камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳал қилинишида ёрдам беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун самарали логистика, “яшил” ва экспресс йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бу масалаларни тизимли асосда йўналтириш учун озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклиф қилинди. Иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатларнинг махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказиш ва унинг негизида ягона электрон платформа яратиш таклифлари илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари экологик таҳдид ва хатарлар ортиб бораётганини таъкидлаб, ШҲТнинг Иқлим кенгашини тузишни таклиф этди. Ушбу механизм “яшил” тараққиёт, чўлланиш ва тупроқ таназзулига қарши курашиш, экологик лойиҳалар, жумладан, Оролбўйи учун инновацион ечимлар ва молиявий маблағлар жалб қилишга кўмаклашади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти бу борадаги устувор вазифалар қаторида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш, хавфсизликка таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш ҳамда уларга тезкорликда жавоб қайтариш бўйича ШҲТ МАТТ фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини қайд этди.

Шу билан бирга, ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш таклиф этилди. Дунёда радикализмнинг ўсиши хавфли тенденцияга айланаётган ҳозирги шароитда бу айниқса муҳимдир.

Қадимдан дўстлик ришталари билан боғланган Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги муносабатлар ушбу саммит доирасида ҳам давом этди. Хитой Раиси Си Цзиньпинга олий мукофот — олий даражали “Дўстлик” ордени топширилгани икки давлат ўртасидаги муносабатлар юқори чўққига чиқаётганидан далолат беради.

Мулоқот доирасида Хитой раҳбари Алишер Навоийнинг “Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш” ғазалидан иқтибос келтириб, ўзбек халқига чуқур ҳурмат билдирди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Хитой тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳозир қабри Хитойнинг Юньнань провинциясида жойлашган бухоролик Саййид Ажжал ҳақида тўхталиб ўтди. Икки давлат ўртасида савдо, транспорт, қурилиши, экология, маданий соҳаларга оид 15 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасида IT, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳаларида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Саммит доирасида икки давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олди. Марказий Осиё — Ҳиндистон онлайн саммити, Афғонистон масаласида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш борасида ҳам режалар белгилаб олинди.

Илк марта Ўзбекистонга келган Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан икки давлат ўртасидаги савдо ва маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасида келишувларга эришилди.

Шунингдек, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Туркия, Озарбайжон, Беларусь ва бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича мулоқот ўтказилди.

Амир Темур бобомиз “Темур тузуклари”да: “Тажрибамдан билдимки, содиқ ва ҳақиқий дўст улким, дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди”, дея таъкидлаган. Ушбу ҳикмат кўҳна Самарқандда меҳмон бўлган давлат раҳбарларига олти аср аввал Соҳибқирон томонидан айтилган маслаҳат, ўгитдек гўё. Бинобарин, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кўп қиррали тарихий саммитига Самарқанд мезбонлик қилганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Дунёнинг турли нуқталаридан ташриф буюрган халқаро кузатувчи ва экспертлар, журналистлар ҳам таъкидлаганидек, бу “Самарқанд руҳи” тушунчасининг ўзаги бўлиб хизмат қилади. “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб турувчи “Самарқанд руҳи”да ҳамкорлик, ўзаро англашув ва дўстлик ифодаси шиори илгари сурилди.

САМАРҚАНД РУҲИ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Самарқанд саммити тилларда достон,
Самарқанд руҳига чулғанди олам.
Тинчлигу дўстликка бу янги имкон,
Ўн тўртта давлатдан раҳнамолар жам.

Азалдан Самарқанд ғоялар кони,
Ташаббуслар шаҳри жумла жаҳонга.
Бағрига чорлади кенг Осиёни,
Ўзи ҳам айланди ёруғ осмонга.

Меҳру оқибатга ташна одамзод,
Бу нотинч дунёнинг кўпдир ташвиши.
Самарқанд дилларга сололди нажот,
Узоқни кўзламоқ улуғлар иши.

Мезбону меҳмонни қувончлар қучди,
Қўллари кўксида юртнинг Сарбони.
Самарқанд кўкидан хушхабар учди,
Тилларда, дилларда Шанхайнинг шони.

МУНОСАБАТ

ШҲТ САММИТИ: ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ МАЙДОН

Жасурбек ОТАНИЁЗОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтказилган навбатдаги саммити дунёда кузатилган энг муҳим ва йирик сиёсий тадбир ўлароқ тарих саҳифаларидан жой олди, бутун дунё нигоҳи қадим кентга қаратилди. Унда муҳокама этилган долзарб мавзулар, эришилган натижалар ҳали-ҳамон халқаро экспертлар, сиёсатчи ва иқтисодчилар, жаҳон матбуотининг диққат марказида бўлиб турибди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият ҳамда иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси пухта ишлаб чиқилгани, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилгани ютуқ ҳамда марралар салмоқли бўлишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришда савдо-иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, маҳсулот ва хизматларнинг халқаро даражадаги рақобатбардошлигини ошириш орқали янги бозорларни ўзлаштириш, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро даражадаги транспорт логистикаси тизимига интеграциялашувни кучайтириш каби йўналишлар устуворлик касб этади. Шу боис, мамлакатимизда минтақавий ва халқаро даражада интеграциялашувни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Гап шу ҳақда борар экан, энг аввало, Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасига тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки мазкур Мурожаатномада мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар қаторида МДҲ ва ШҲТ доирасида фаолиятимиз самарасини янада ошириш, ШҲТ билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши белгиланди. Бу борадаги ислоҳотларни янада фаоллаштириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида устувор вазифалар белгиланди.

Дарҳақиқат, халқаро иқтисодий интеграциянинг афзалликларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш билан бирга, унинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудий жойлашуви жиҳатдан яқин мамлакатларнинг интеграциялашуви иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда бир-бири билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш асосида халқаро иқтисодий интеграция афзалликлари кўламини янада кенгайтиришга имкон яратади.

Мамлакатларнинг муайян тузилма доирасида интеграциялашуви улар ўртасида маҳсулотлар, хизматлар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ўртадаги янги технологияларнинг эркин тарқалишига, миллий иқтисодиёт тармоқларига жорий этилишига қулай замин яратади, пировардида иқтисодиёт барқарорлигига эришишга кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Халқаро иқтисодий интеграция жараёни кучайиши баробарида Ўзбекистон Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, Европа Иттифоқи билан алоқаларини кучайтириб бормоқда. Бу борада халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорлик, хусусан, Ўзбекистоннинг ШҲТ фаолиятидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этган ҳолда, мамлакатимизнинг жаҳондаги ўрнини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

ШҲТ глобаллашув шароитида шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларини ўзаро ҳамжиҳатлик асосида самарали ҳал қилишда, савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлашда катта ҳисса қўшиб келаётган нуфузли халқаро ташкилотдир.

ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бир қанча йўналишда фаол ривожланмоқда. Буни биргина 2021 йилда аъзо давлатлар ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми 7 триллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил этгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслида ШҲТнинг унга аъзо давлатлар иқтисодиёти ривожида тутган ўрни ҳақида узоқ гапириш, эришилаётган ижобий натижаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин бу ҳақда кўп ёзилгани учун ҳозир Самарқанд саммитининг аҳамияти ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Ташкилот доирасидаги ишлар изчиллигини таъминлаш мақсадида Самарқанд саммитида ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида амалий ҳамкорликни янада такомиллаштириш, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш, транспорт боғлиқлигини кучайтириш, саноат кооперацияси, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, савдо каби энг муҳим ва истиқболли йўналишларда ҳамкорлик бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб олинган ҳолда иштирокчилар ўртасида тарихий аҳамиятга эга бўлган 44 та ҳужжат қабул қилинди. Диққатга сазовор жиҳати шуки, мазкур ҳужжатларнинг аксарияти мамлакатимиз ташаббуси бўлиб, бу ташкилотнинг истиқболдаги тараққиётида стратегик аҳамиятга эгадир.

Мазкур ҳужжатлар ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш, жумладан, инвестициялар, транспорт логистикаси, саноат кооперацияси, ахборот ва телекоммуникациялар, яшил энергетикадан инновацион саноатгача, қишлоқ хўжалигидан иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришгача бўлган соҳалардаги шерикликни янада мустаҳкамлашга имкон яратади.

Ташкилот аъзолари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида Минтақаларо савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилингани ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатларнинг махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш ва ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг янги бозорларга чиқишига, ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни жорий этиш самарадорлигини оширишга ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо айланмаси кенгайишига қулай шарт-шароит яратади.

Муваффақиятли ҳамкорликни таъминлаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили ШҲТ маконида транспорт имкониятларини кенгайтиришдир. Глобал таъминот занжирларини диверсификация қилиш шароитида Евроосиёда Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш стратегик аҳамиятга эга.

ШҲТ доирасида транспорт имкониятларини кенгайтириш соҳасида ҳамкорликнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлиб, автомобиль транспорти, темир йўл соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда ШҲТ давлатларида 13 миллион километрдан ортиқ автомобиль йўллари, шунингдек, 244 минг километрдан ортиқ темир йўллар мавжудлиги савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий транспорт алоқаларини ривожлантиришга имкон яратади. Бу эса жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг энг муҳим омили сифатида савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Самарқанд саммитида ШҲТ маконида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида транспорт инфратузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш, шунингдек, транспорт логистикаси инфратузилмасини шакллантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилиб, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича уч томонлама битим имзоланди. Ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти учун юқори аҳамиятга эга мазкур лойиҳа иккинчи континентал транспорт кўпригининг жанубий йўлагини яратиш билан бирга, уч мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг янги маҳсулотлар бозорларига чиқишига қулай шароит яратади. Чунки йўл қурилиши Марказий Осиё мамлакатлари транспорт инфратузилмасини ривожлантириш билан бир пайтда уларнинг Форс кўрфази ва Тинч океани портларига чиқишларида қулайликни таъминлайди, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириб, савдо географиясини янада кенгайтиради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл қурилиши туфайли йилига 5 миллион тоннадан 10 миллион тоннагача юк ташиш имконияти юзага келади.

ШҲТ дастурлари доирасида энергетика соҳасида конструктив ҳамкорлик ташкилот маконида интеграция жараёнларини муваффақиятли ривожлантириш учун муҳим омиллардан биридир. Транспорт ва ёқилғи-энергетика соҳаларидаги алоқалар, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида янги конларни ўзлаштириш ва мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг қўшимча имкониятлари сифатида ШҲТда геология-қидирув фаолиятини самарали ташкил этиш келгусидаги ривожланишнинг истиқболли йўналиши сифатида намоён бўлади.

ШҲТга аъзо давлатлар ва кузатувчилар жаҳон энергетика бозори таянчларидан ҳисобланиб, уларнинг умумий нефть захиралари дунёдаги 40 фоизга яқинини, табиий газ захиралари эса 44 фоизини ташкил этади. Уран захиралари бўйича Россия, Ўзбекистон ва Қозоғистон дунёнинг етакчилари қаторидан жой олган. Мазкур йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида Самарқанд саммитида аъзо мамлакатлар ўртасида ШҲТ мамлакатларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги дастури тасдиқланди.

Жаҳон иқтисодий маконида ШҲТ салоҳиятининг ортиши ташкилот таркибига кирувчи мамлакатлар географиясининг кенгайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Самарқанд саммитида кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳам айнан ШҲТ таркибини кенгайтиришга қаратилди. Бу кенгайиш минтақаларо савдо, саноат кооперацияси, транспорт логистикаси, инновация, яшил ва рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш каби муҳим йўналишларда кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилади. ШҲТ мамлакатлари қаторида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Умуман олганда, ШҲТ доирасида умумий мақсад ва манфаатлар уйғунлигида ўзаро ҳамкорликни янада жадаллаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтириш асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг янги бозорларга чиқишини таъминлаш, пировардида миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини оширишга йўл очади.

“ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО” “МЕН ХИВАНИ КЎРИШ УЧУН БИР ҚОП ОЛТИН БЕРИШГА ТАЙЁРМАН” ДЕГАН ИБОРАНИ ҚЎЛЛАДИ

Хитойнинг “Жэньминь жибао” етакчи газетасининг интернет тармоғидаги веб-саҳифасида “Нима учун қадимий Хива ХХР раиси Си Цзиньпиннинг эътиборини тортди?” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Хитой раиси Си Цзиньпин 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Хитой томони Ўзбекистонга тақдим этган миллий совғалар орасида қадимий Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликлардан бирининг миниатюра модели мавжуд бўлиб, ушбу маданий иншоот Хитой билан ҳамкорликда таъмирланган”, деб ёзади нашр сайти.

“Жэньминь жибао”да алоҳида таъкидланганидек, қадимий Хиванинг тарихий ёдгорликларини сақлаш ва тиклаш лойиҳаси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Си Цзиньпиннинг мақоласида ҳам қайд этилган.

Марказий Осиё халқларида “Мен Хивани кўриш учун бир қоп олтин беришга тайёрман” деган ибора бор. Бу Буюк ипак йўлидаги машҳур шаҳарнинг нечоғлиқ машҳур ва кўҳналигидан далолат беради.

Таъкидланишича, бугунга келиб Ўзбекистон ва Хитой маданий ёдгорликларини ҳимоя қилиш бўйича усталарнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Амир Темур мақбараси ва Ҳасан Мурод Қушбеги масжидининг тарихий қиёфаси қайта тикланди.

“Қадимий Хива шаҳрини археологик тиклаш лойиҳаси қалъа ичидаги турар жойларда ҳам амалга оширилди, бу нафақат қадимий шаҳарни муҳофаза қилишга ҳисса қўшди, балки маҳаллий аҳолининг яшаш шароитларини ҳам яхшилади”, деб ёзилади “Жэньминь жибао” газетасида.

“Дунё” АА
Пекин

ЭКСПО-ФОРУМ

КУНЧИҚАР ЮРТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

янги ва йирик лойиҳаларни татбиқ этишда намоён бўляпти

Пойтахтимиздаги “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик марказида Япония—Ўзбекистон халқаро экспо-форумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уч кунга мўлжалланган форумда турли ташкилот вакиллари, 100 га яқин япон компаниялари қатнашмоқда.

Халқаро форум юртимизга японияик инвесторларни жалб этиш, улар билан панель музокаралар олиб борган ҳолда, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу давлатимиз раҳбарининг 2019 йил декабрь ойида Япония давлатига расмий ташрифи давомида қабул қилинган ҳужжатларда ҳам кўзда тутилган эди.

— Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги охирги йилларда мутлақо янги, аниқ лойиҳаларга асосланган самарали босқичга кўтарилди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Беҳзод Ботиржонов. — Биргина мисол, жорий йилнинг 6 ойи давомида Япония ва Тошкент шаҳри ташқи савдо айланмаси 56 миллион долларни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасида мазкур давлатнинг улуши ортиб бормоқда. Пойтахтимизда ташкил этилган Япония капитали иштирокидаги корхоналар сони 41 тага етди. Японияик ҳамкорларимиз билан турли соҳаларда инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Японияик ҳамкорларга Тошкентнинг жанубий қисмидан ўтувчи Чирчиқ дарёси ўзанини ўзгартириш ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган “Дарё бўйи” лойиҳаси, Янгиҳаёт туманидаги 2,5 минг гектар майдонда ташкил этиладиган маъмурий ва ишбилармонлик маркази ҳамда “Янгиҳаёт” индустриал технопарки, пойтахтимизнинг ўзига хос лойиҳаси бўлиши кутилаётган, миллий меъморчилигимиз ва замонавий шаҳарсозлик ечимларини ўзида уйғунлаштирган “Янги Ўзбекистон” лойиҳаларида иштирок этиш таклифи берилди.

Форум доирасида бир қанча тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Йирик анжуман очилиш маросимидан сўнг “Japan-uz Expo — 2022” кўргазмаси билан ўз ишини давом эттирди. Унда саноат, ишлаб чиқариш, туризм, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш, консальтинг ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

24 сентябрга қадар давом этиши кўзда тутилган тадбир давомида икки давлат ишбилармонлари иштирокида B2B шаклидаги музокаралар ҳам ўтказилмоқда. Улар қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш бўйича катта форматдаги келишувларга асос бўлиши кутилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЛОҚОТИ

давлатларимиз ўртасидаги тадбиркорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади

Шу кунларда Туркиянинг Мустақил ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюшмаси — “MÜSİAD” бош раиси Маҳмут Асмали бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси юртимизда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида меҳмонлар билан турли учрашув ва тадбирлар, бизнес мулоқотлари ташкил этилмоқда. Жумладан, 22 сентябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда “MÜSİAD” уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари иштирокида бизнес форум ва “B2B” форматидаги музокаралар ўтказилди.

— Кейинги пайтларда ишбилармонларга яратиб берилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётганидан яхши хабардормиз, — дейди “MÜSİAD” бош раиси Маҳмут Асмали. — Шу боис, биз қурилиш саноати, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, нефть, металлургия саноати, шамол ва қуёш энергияси, транспорт логистикаси соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларимиз билан келдик. Бу каби юзма-юз мулоқотлар икки томон ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

MÜSİAD ташкилотининг асосий вазифаси хусусий сектор вакилларига самарали ва жадал ривожланиш учун қулай шароитлар яратишга кўмаклашишдан иборат. Айни пайтда уюшманинг 12 мингдан ортиқ аъзоси бор. Шунингдек, унинг Туркияда 83 та филиали ҳамда дунёнинг 81 давлатида ваколатхонаси мавжуд.

Форум давомида турк тадбиркорлари Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи 150 га яқин тадбиркорлик субъекти иштирок этган “B2B” форматидаги учрашувда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, жумладан, Ўзбекистон ва Туркия корхоналари ўртасида шериклик муносабатларини чуқурлаштириш борасида ўзаро фикр алмашилди.

2022 йил январь-июль ойларида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро товар савдо айланмаси 1 989,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Шундан 1 024,4 миллион доллари экспорт бўлса, 965 миллион доллари импорт ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва “MÜSİAD” ўртасида 2018 йилда ҳамкорлик битими имзоланган бўлса, 2022 йил 21 сентябрь куни Тошкент шаҳрида “MÜSİAD”нинг ваколатхонаси очилди. Бу ҳам ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД АКАДЕМИЯ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилоти, хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов, Фанлар академияси Математика институти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов ва бошқалар янги ислоҳотлар даврида инсон қадри, унинг манфаатлари ҳар томонлама юксалиб бораётгани, ижтимоий муносабатларда илғор амалиётлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, академиянинг очилиши эса бу борада мутлақо замонавий тизим яратилаётганидан дарак беришини таъкидлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Президентимизнинг 2021 йил 23 августдаги тегишли қарори билан ташкил этилган мазкур академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини қондириш каби вазифаларни бажаришини таъкидлади.

Академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Италия (Халқаро меҳнат ташкилоти ҳузуридаги Турин ўқув маркази) каби давлатларнинг илғор таълим муассасалари, миллий ва халқаро институтлар билан яқин ҳамкорлик қилади.

Ўқув даргоҳида “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги”, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Инсон ресурсларини бошқариш”, “Психология”, “Менежмент”, “Юриспруденция” йўналишларида таълим берилади. Бу ерда илмий салоҳияти юқори ва малакали ўқитувчилар фаолият юритади.

Академияда таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ташриф буюрувчиларга, айниқса, электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ошхонадаги шароитлар маъқул бўлди. Таълим жараёнининг автоматлаштирилиши бўйича “Платформа” мажмуаси ҳам жорий этилгани эса кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, талабалар учун ўқув биносида wi-fi, кутубхонанинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, электрон кутубхонадан масофавий ҳолда фойдаланиш мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Маълумот берилишича, академияда ўқиш истагида 1200 га яқин талабгор ҳужжат топширган. Улардан 250 га яқини ўқишга қабул қилинди. Ушбу олийгоҳ ташкил этилгач, меҳнат муҳофазаси, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, психология, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар бўйича эндиликда чуқур илмий асосланган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ижтимоий тармоқлар орқали ушбу академияга қабул борлигидан бохабар бўлдим, — деди мазкур академиянинг психология таълим йўналишида таҳсил олаётган Севинч Абдиева. — Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлганимдан мамнунман. Бу ерда ўзимиз танлаган йўналиш бўйича билим олишимиз учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Касаба уюшмаларининг дўстона алоқалари ривож топиб бормоқда

Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг II мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуман ишига Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раислик қилди.

Таъкидланганидек, ўтган йилларда Марказий Осиёда улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик, дўстлик ва ишонч руҳига асосланган яқин қўшничилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бу тарихан қисқа вақт ичида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўзаро боғлиқлик стратегиясини яхши йўлга қўя олгани, илдизи тарихан бир халқларни жипслаштириш сиёсати самараси ўлароқ эришилган жуда катта ютуқдир.

Бундай самимий муҳит минтақа мамлакатлари касаба уюшмалари фаолиятида ҳам ўз аксини топиб, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш жараёнини тамомила янги босқичга олиб чиқди. Жумладан, бугунги кунда аҳоли бандлигини, муносиб меҳнат шароитини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, миллий, халқаро меҳнат стандартларини ҳаётга татбиқ этиш, ходимлар маънавиятини юксалтириш, сифат жиҳатдан янгиланган таълимни илгари суриш, кадрлар малакасини ошириш, касаба уюшма ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифалари устуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу ташаббус Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, шунингдек, минтақа касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Бу кенгашни тузишдан мақсад ходимларнинг ижтимоий-меҳнат, касбий, иқтисодий ва бошқа қонуний ҳуқуқ-манфаатларини, касаба уюшмалари фаолияти кафолатларини ҳимоялаш, уларнинг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича иштирокчи мамлакатлар касаба уюшмалари ҳаракатларини бирлаштириш эди.

Ўтган қисқа вақт ичида мазкур кенгаш иштирокчи мамлакатлар касаба уюшмалари фаолияти ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида мунтазам маслаҳатлашув, барча йўналишлардаги амалий ишлар бўйича тажриба алмашув учун муҳим платформага айланиб улгурди. Шунингдек, кенгаш бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари учун ҳам очиқ эканини намойиш этди.

Анжуманда фаолиятнинг устувор йўналишларида олиб борилаётган ишлар, уларнинг натижалари билан бир қаторда кенгаш доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўллари ва уни мазмун жиҳатидан муҳим йўналишлар билан бойитиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг II мажлисида Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши аъзолигига қабул қилинди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас “Касаба уюшмалари таълимини ривожлантириш ва модернизациялаш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари минтақавий ҳамкорлигини кучайтириш тўғрисида”ги Декларацияни имзоладилар. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши касаба уюшмаси кадрлари ва фаоллари салоҳиятини янада оширишга, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси ва Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида мавжуд замонавий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу масканнинг Марказий Осиё мамлакатларида касаба уюшма таълимини ривожлантириш ва касаба уюшма кадрлари малакасини ошириш учун таянч ўқув маркази сифатида белгилашга келишилди. Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг Бош котибини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Кенгашнинг амалдаги Бош котиби Қудратилла Рафиқовнинг таклифи билан ташкилотнинг келгуси йил учун Бош котиблигига Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулетали номзоди кўриб чиқилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Мажлис доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари ва Мўғулистон касаба уюшмалари конфедерацияси делегацияси учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Мўғулистон Президенти бошчилигидаги делегация ШҲТнинг Самарқанд саммитида муваффақиятли иштироки тарихий аҳамият касб этгани алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон ва Мўғулистон Президентлари ўртасидаги ишончли ва дўстона алоқалар икки мамлакат касаба уюшмалари ҳамкорлиги учун ҳам кенг имкониятлар яратаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси билан учрашувда касаба уюшма фаоллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва яқин ҳамкорлик Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари сиёсатига тўла мос келиши, Қирғизистон Ўзбекистоннинг яқин қўшниси ва ишончли ҳамкори экани, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасида аҳамияти жиҳатидан тарихий қадамлар қўйилгани, натижада ўзаро ишонч ва дўстона қўшничилик тамойилларига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантиришга кенг йўл очилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувлар давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ЯНГИ АВЛОДНИНГ ОРЗУЛАРИ РЎЁБИ

“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ХОРИЖДА ЎҚИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА 4 ЙИЛДАН БУЁН МУСТАҲКАМ ҚАНОТ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА

Адҳам БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, “Эл-юрт умиди” жамғармаси васийлик кенгаши раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, барча соҳада ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имконият яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг истиқболи, халқнинг иқболи ўсиб келаётган авлоднинг онгу тафаккури, шижоати, интеллектуал ва жисмоний салоҳияти билан боғлиқ. Шундай экан, келажагимиз ворисларининг муаммолари, дунёқараши, истак ва интилишлари билан қизиқиш ҳамда уларга имконият яратиш, имтиёз ва рағбат бериш мамлакатнинг келажагини ўйлаш демакдир.

Бу борада юртимиздаги ислоҳотлар ўзининг кўлами, шиддати ва кенг қамрови билан нафақат ватандошларимиз, балки хорижлик сиёсатчи ва мутахассисларнинг ҳам қизиқишини ошираётгани мамлакатимизнинг ташқи ижобий имижини янада яхшилашга хизмат қилади.

Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган айни вазиятда барча соҳада юксак билимли кадрлар тайёрлаш, тараққиётдан ортда қолиб кетмаслик учун мустақил фикри ва ўз орзусига эга ёшларни камолга етказиш зарур. Бундай йигит-қизларнинг тафаккурини замонавий билим ва тажриба билан бойитиб бориш олдимизда турган муҳим вазифалардан.

2017 йилдан бошлаб бу бўшлиқни тўлдириш, истеъдодли ёшларимизнинг ривожланган давлатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларида билим олишини таъминлаш учун катта имкониятлар эшиги очила бошлади. Президентимизнинг 2018 йил 25 сентябрдаги фармонига биноан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди. У иқтидорли ва истиқболли ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш билан бирга, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини илғор хорижий мамлакатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва турли компанияларида таълим олган, стажировка ўтаган ва малака оширган ёш мутахассислар билан таъминловчи мустаҳкам институционал манба вазифасини ўташи назарда тутилди.

Жаҳон илм майдонига йўл

Жамғарма бу борада ўз олдига қўйган олий мақсадлар сари дадил одимламоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, стипендиатларимиз дунёнинг қирққа яқин давлатида, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби илғор мамлакатларнинг 280 дан зиёд университети, илмий марказлари ва нуфузли компанияларида таълим олиб, тажриба оширяпти. Ҳозиргача улардан 1 минг 44 нафари мамлакатимизга қайтиб, турли жабҳаларда, хусусан, таълим, илмий тадқиқот, соғлиқни сақлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда иқтисодиётнинг ҳар хил соҳа ва тармоқларида самарали фаолият юритмоқда.

Юртимизда дунёни янгича идрок этадиган, миллат ғурури ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдири билан муштарак билиб фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланмоқда. Давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустаҳкам билимга эга, бугунги ташқи ва ички сиёсатни тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор кадрларни тайёрлаш ғоят муҳим. Зеро, Янги Ўзбекистонни барпо этишда иқтидорли йигит-қизларнинг, жумладан, “Эл-юрт умиди” стипендиатларининг алоҳида ўрни бор. Улар ўз ватанпарварлиги, билими ва малакаси, ғайратшижоати, ташаббускорлиги билан Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга қодирлигини намоён этаётир. Бундай юксак билимли ва креатив фикрлайдиган ёшлар халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарадиган ҳақиқий кучга айланади.

Ушбу ўзгаришлар ва жадал ривожланиш даврида ташаббускор, иқтидорли, салоҳиятли ёш кадрларни излаб топиш, уларни ривожланган хорижий давлатлардаги нуфузли университет ҳамда етакчи илмий-тадқиқот марказларида ўқитиш давлатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштирадиган омиллардан.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидаги уч муҳим вазифа белгилаб берилди:

биринчиси, Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши учун рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва компанияларида ўқитиш, стажировкадан ўтиши ва малакасини оширишни таъминлаш;

иккинчиси, илғор хорижий мамлакатларнинг нуфузли университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда, илғор халқаро стандартлар асосида, замонавий фикрлайдиган ва рақобатбардош мутахассисларни Ўзбекистонда ҳам тайёрлаш лойиҳаларини ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш;

учинчиси, хорижда яшаётган ва профессионал фаолият юритаётган ватандош олимлар, экспертлар, илмий тадқиқотчилар ва турли соҳалар бўйича тажрибали мутахассислар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни Ўзбекистонда бўлаётган кенг қамровли ислоҳотларга жалб этишга кўмаклашиш.

Жамғарма иқтидорлиларни излаб топади

Президентимизнинг ўтган йил 11 февралдаги “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид муҳим вазифалар янада ойдинлашди. Жумладан, очиқ стипендия танловлари асосида хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари жамғарманинг асосий таълим йўналишлари ҳисобланади.

Жамғарманинг таълим дастурлари бўйича номзодларни саралаш танлови мунтазам ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун, уларнинг мамлакатимиздаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар, очиқ амалга оширилади. У томонидан вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурлари ташкил этилади.

Анъанага кўра, жамғарма эълон қиладиган очиқ стипендия танловларида вазирлик ва идоралар мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, асосан, ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2018 йилда 378 нафар, 2019 йилда 600 нафар, 2020 йилда 15 нафар (пандемия даври) ёшнинг хорижда таълим олиши ташкил этилган бўлса, 2021 йилга келиб, 266 нафар ва 2022 йил давомида 480 нафар (20 сентябрь ҳолатида 193 нафар танлаб олинди) стипендиат бундай имкониятга эга бўлмоқда. Бугунга қадар жами 1 минг 452 нафар иқтидорли ва истиқболли ёш ҳамда соҳа мутахассисини “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати сифатида хориждаги ривожланган давлатлар таълим муассасалари ва илғор компанияларида таълим олиши ва стажировка ўташи учун имконият яратилди.

Бу кўрсаткичлар замирида давлатимизда юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, халқаро даражада билим олиши ва эртанги кунда мамлакатимизга бой тажриба билан қайтиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси мужассам.

Чет эллик экспертнинг ҳайрати

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари бугун дунёнинг энг нуфузли университетларида, жумладан, University of Oxford (Буюк Британия, QS агентлиги глобал рейтингида 2-ўринда), University of Cambridge (Буюк Британия, QS 3), University College London (Буюк Британия, QS 5), Imperial College London (Буюк Британия, QS 7), The University of Chicago (АҚШ, QS 10), University of Edinburgh (Буюк Британия, QS 16), Columbia University (АҚШ, QS 19), Cornell University (АҚШ, QS 20) ва бошқа университетлар ҳамда илмий марказларда таълим олмоқда.

Айни вақтда 417 нафар стипендиатимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби давлатларда бакалавриат, магистратура, ординатура ҳамда докторантура дастурларида ўқишни давом эттирмоқда. Бу таълим даргоҳларидан юксак билим ва катта тажриба орттириб қайтган ёшлар юртимизда салоҳиятли кадрлар базасини бойитишга хизмат қилади.

Дунёда кечаётган глобал пандемия ва нотинч ижтимоий-сиёсий вазиятга қарамай, Ўзбекистон ёшларининг хорижда таълим олишига давлат бюджетидан мунтазам ва барқарор маблағ ажратиб борилаётгани хорижлик ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Стипендия ва грантлар совриндорларининг ота-оналари Президентимизнинг халқчил сиёсатидан чексиз миннатдорлигини изҳор этмоқда.

АҚШдаги Пурдью университетининг академик масалалар бўйича катта маслаҳатчиси Жеф Майерс ўзбекистонлик иқтидорли ёшларга давлат томонидан яратилаётган бундай имкониятдан ҳайратланиб, “Биз, турли маданият вакиллари бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатлар жудаям кўп экан”, деб таъкидлаганди.

АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Италиядаги қатор университетлар ва илмий марказлар раҳбарлари “Ўзбекистон Президенти томонидан ёшларга яратилаётган бундай шароитларни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларининг бизда таълим олиши учун махсус стипендия ва молиявий чегирмалар тақдим этамиз”, дея турли академик ва молиявий преференциялар таклиф этмоқда. Бундай имкониятлар орқали жамғармамиз ўтган 4 йилда 1,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағни тежаб қолишга муваффақ бўлди.

Ўзбек ёшлари Францияда текин ўқийди

Ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик дастурларини йўлга қўяётганимиз ҳам ўзбекистонлик ёшларнинг хориждаги таълимини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этяпти. Масалан, 2021 йил 10 майда “Эл-юрт умиди” жамғармаси Франция ҳукумати билан ҳамкорликда дастур қабул қилди. Унга кўра, жамғарма ва Франциянинг юртимиздаги элчихонаси ўртасида мазкур давлатда ҳар йили 50 нафарга қадар стипендиатнинг таълим олиши учун грантларни қўшма молиялаштириш тўғрисида келишув имзоланди. Ушбу таклифнинг молиявий манфаати шундаки, мазкур таълим дастури Франция давлат университетларида амалга оширилиб, ўқиш текин бўлади. Ушбу дастурнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида 564 минг АҚШ долларини иқтисод қиламиз.

Мазкур лойиҳа бошланишида бу йил март-июль ойларида ташкил этилган дастлабки танлов натижаларига кўра, 8 нафар иқтидорли ёш Франциядаги нуфузли таълим муассасаларида ўқиш имкониятини қўлга киритди.

Жорий йил якунига қадар яна бир ажойиб халқаро стипендия дастури эълон қилиниши кутилмоқда. “Эл-юрт умиди” жамғармаси Германиянинг DAAD (Олмон академик алмашув дастури) ташкилоти билан 4 йил давомида 100 нафар иқтидорли ўғил-қизимизнинг Германия университетлари ҳамда илмий марказларида докторантура ва магистратурада таълим олишини ҳамкорликда молиялаштириш (ўқув харажатлари текин) дастури устида ишламоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси вакиллари хорижда таълим олаётган стипендиатлар билан ўтган йили 4 маротаба, бу йил 5 маротаба онлайн мулоқот ўтказди. Бу суҳбатлар ёшларнинг зиммасидаги масъулият кучлироқ ҳис этиши ва маррани баланд олишига туртки бўлади.

Учрашувларда “Эл-юрт умиди” жамғармаси раҳбарияти, Ўзбекистоннинг Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Латвия, АҚШ, Канада, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Россия, Беларусь ва Қозоғистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этяпти.

Стипендиатлар эътибор марказидан асло тушмайди

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 11 февралдаги фармонига биноан, шу йил 12-13 август кунлари “Умид” ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларининг “Янги Ўзбекистонни янгича фикрлайдиган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган ёшлар билан биргаликда қурамиз” мавзусида II халқаро форуми ўтказилди. Форумда “Эл-юрт умиди” жамғармаси битирувчиларининг меҳнат фаолияти самарадорлиги ҳамда касбий камолоти мониторингини йўлга қўйиш, иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олиши учун давлат кўрсатаётган ғамхўрликни кенг тарғиб этиш, йигит-қизларни стипендия танловларида фаол иштирок этишга янада руҳлантириш, давлатимиз стипендиатлар тақдирига бефарқ эмаслигини намойиш этишга алоҳида урғу берилди.

Айни пайтда жамғарма юртимиздаги вазирлик ва идораларни хорижда юқори билим ва тажриба тўплаган кадрлар билан таъминлашда кўприк вазифасини ўтамоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра, жамғарманинг ҳар бир битирувчиси тегишли вазирлик ва идоранинг биринчи раҳбарига бириктирилди. Стипендиатларнинг хорижда олган билими ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, илмий-амалий ғояларини амалиётга жорий этиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда мансаб поғоналарида доимий ўсиб боришини таъминлашга доир зарур амалий чора-тадбирлар бошлаб юборилди.

Тўрт йиллик фаолияти давомида жамғармамиз кўмаги билан бой илмий-амалий тажрибага эга 200 нафардан зиёд ватандошимиз вазирлик, идораларга ҳамда маҳаллий давлат ташкилотларига ишга жалб қилинди. Шу вақтда нуфузли университетлар, илмий марказлар ҳамда хорижда истиқомат қилаётган ватандош олимлар ва экспертлар иштирокида 120 дан ортиқ учрашув ҳамда вебинар ташкил этилди, уларда 20 мингдан зиёд профессор-ўқитувчи, мутахассис ва талаба қамраб олинди.

Бугун стипендиялар совриндорларининг юртимизда юритаётган самарали фаолияти, хорижда таҳсил олаётган стипендиатларнинг ўқиш ҳамда изланиш борасида эришаётган ютуқлари мамлакатимиз келажаги ишончли қўлларга ўтишидан, Учинчи Ренессанс пойдевори шаклланаётганидан далолат беради.

Шундай паллаларда халқимиз иқтидорлиларга, ҳар соҳада етукликка муносиб ёш авлодга нақадар бойлигига ишонади киши. Давлатимизнинг узоқни кўзлаб, инсон капиталига жуда катта эътибор қаратаётганининг моҳиятини чуқур англайди. Президентимизнинг: “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” деган сўзлари ёшларимизга ҳар қадамда куч-ғайрат бағишлайди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси иқтидорли ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш, ёшларимизнинг хориждаги энг нуфузли университет ва илмий муассасаларда, инновацион ташкилотлар ва бошқа компанияларда таълим олишини ташкил этиш борасида уларга янги имкониятлар яратишда давом этади.

* Жамғарманинг бакалавриат таълим дастури бўйича хорижга юбориш 2021 йилдан бошлаб жорий этилган.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2018-2022 йилларда хорижда таълим олиб, бугун мамлакатимиздаги турли соҳа ҳамда тармоқларда самарали фаолият юритаётган стипендиатлар



“Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2018-2022 йилларда хорижда таълим олган стипендиатлари кўрсаткичи

Жамғарма орқали хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасаларида ўқиётган стипендиатлар

ТАБИАТ ВА БИЗ

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Жиззах вилояти Арнасой тумани бош имом хатиби

Муқаддас ислом динида табиат муҳофазаси, наботот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Зеро, табиатдаги нарсалар Парвардигори олам яратган буюк неъматлар саналади. Қолаверса, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик, уни асраб-авайлаш, шукронасини келтириш, қадрига етиш инсониятнинг Яратган олдидаги бурчидир. Шукр қилиш ўрнига, неъматларнинг қадрига етмай исроф қилсак, зарар келтирсак, унинг заволига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин.

ИККИ ДУНЁ САОДАТИН БЕРГУВЧИ АМАЛ

Дунёдаги ҳар бир нарса Аллоҳ таоло томонидан ўлчов билан ва бир-бирига боғлиқ қилиб яратилган. Шариатимизда ҳам тупроқ, сув, ҳаво ва умуман, табиатни, яшаб турган жойимизни озода сақлаш буюрилган. Асрлар давомида ота-боболаримиз ариқ, дарё ва ҳовуз сувларини покиза сақлашни ўзларининг бурчлари деб билган. Аммо, афсуски, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида муаммолар кўпайган. Дарё, ариқлар сувининг ифлосланиши, атмосферага турли заҳарли газларнинг кўп миқдорда чиқарилиши кабилар шулар жумласидан.

Кундалик турмушимизда истаймизми-йўқми, турли хил чиқиндилар тўпланиб қолади. Агар улар ўз вақтида махсус жойларга чиқариб ташланмаса, атроф-муҳит, сув, тупроқни ифлослантириб, саломатлик учун ниҳоятда хавфли турли юқумли касалликларни келтириб чиқаради.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино бобомиз: “Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаганида, инсон минг йил яшаган бўлур эди”, дегани ҳақида кўп эшитганмиз. Демак, атроф-муҳит, ҳаво қанчалик тоза ва озода бўлса, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мумкин экан.

Табиат мувозанати бузилишининг асосий омилларидан яна бири бу ўрмон захираларига зарар етказиш, яъни дарахт ва буталарни кесишдир. Дунё бўйича ҳар йили миллионлаб гектар ўрмонлардаги дарахтлар қирқилиши ва ёниб кул бўлиши натижасида табиат катта зарар кўрмоқда.

Муборак ҳадиси шарифларда деҳқончилик ва кўчат экишга тарғиб қилинган. Ҳадисларда ҳам пайғамбаримиз (САВ): “Қайси бир мусулмон киши бирор кўчат ёки экин экса, кейин ундан қуш ёки инсон ёхуд бирор жонивор еса, эккан одамга садақа савоби ёзилади”, деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса: “Агар қиёмат-қойим бўлиб қолса-ю, қайси бирингизнинг қўлингизда экаман деб турган кўчат бўлса, уни экиб қўйсин”, дея марҳамат қилинган.

Чиндан ҳам савоб умидида, эзгулик йўлида бир дарахт ёки уруғни экишда катта мукофот ва манфаат борлигини ҳадиси шарифлар ҳам қувватлаб турибди.

Демак, бизлар ўзимиз яшаб турган жойга, маҳаллаларга турли дарахт кўчатларини экиб, обод қилсак, бундан нафақат инсонлар, балки бошқа жонзотлар ҳам манфаат топади.

Аллоҳ таоло бизга тоза ва мусаффо ҳавони, бебаҳо иқлимни, ҳар бири ўзига хос тўртта фаслни ва бошқа беқиёс нарсаларни инъом қилган. Бунинг шукронаси сифатида табиатни асрашимиз, унга зиён етказмаслигимиз керак. Хусусан, дарахт хазонларини, турли хил чиқиндиларни тўплаб ёқиш атроф-муҳитга катта зарар етказади. Аслида, хазонларни ёқиш асло мумкин эмас. Мутахассисларнинг айтишича, хазон ёнган вақтда, ундан углерод бирикмалари, карбонат ангидрид билан бирга, бензапирен моддаси ҳам атмосферага ажралиб чиқади. Хазон ва чиқинди ёқиш оқибатида ҳавога тарқаладиган заҳарли моддалар эса инсон нафас йўллари орқали ошқозон ости бези, ўпка ва иммун тизимини заҳарлайди. Бундай заҳарли моддалар кўпинча хавфли ўсма, аллергик, кўз, томоқ йўлларида кучли қичишиш ва бир қатор хавфли касалликларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Она табиатни асраб-авайлаш, неъматларидан оқилона фойдаланиш, уни келгуси авлодларимизга ҳам етказиш барчамизнинг Яратган олдида бандалик, Ватанимиз олдида эса фуқаролик бурчимиздир.

Албатта, юртимизда табиатни асраш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ва бу орқали республикамизда яшил майдонларни кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар бажариляпти. Бундай эзгу ташаббуснинг амалга оширилиши натижасида эса Ватанимиз янада обод бўлиб, яшилликка бурканмоқда. Зотан, ҳар биримиз ушбу ташаббусга ўз ҳиссамизни қўшиб, она табиатимизни севиб, уни асраб-авайласак, шубҳасиз, икки дунёмизни обод қилган бўламиз.

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

ҚОРИ-НИЁЗИЙ ЯРАТГАН БОҒ

ЁХУД ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ОҚСОҚОЛИ

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Олтмиш йил аввалги гаплар

1960 йил. Тошкент шаҳри, 1 май кўчаси, 20-уй. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси. Камина шу ерда ҳарф терувчи бўлиб ишлайман. Адабиётга ихлосим мактабдан сўнг шу ерга етаклаб келган. Бу ерда Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Зулфия, Музайяна Алавия, Саида Зуннунова, Комил Яшин каби адабиётимизнинг қатор дарғалари орасида бўлиш катта бахт.

Кунда бўлмаса-да, кунора бу ерга Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий ҳам келиб туради. У киши пайдо бўлиши билан дарҳол атрофига одам тўпланарди, суҳбат қизигандан қизирди. Айниқса, Александр Удалов, Вячеслав Кастелия, Николай Кульков каби рус ёзувчилари домланинг қўлидан ўпиб, пешоналарига теккизиб қўйишарди. Бир куни бунинг сабабини сўрадим.

— Бу пайғамбарсифат аллома, жуда илмли. Шунга қарамай, ўта камтар, одамшаванда, шоҳу гадога бирдек муомала қилади, — деди А.Удалов.

Бу воқеадан кейин мен ҳам домланинг келишини, “Она қизим, катталардан ким бор”, деб сўрашини кутадиган бўлдим. Саида Зуннунова эса “илмнинг пири келди”, дерди. Сўнг кўпинча Комил Яшин хонасига тўпланишарди. Чой олиб кирганимда қулоғимга чалингани даврадаги қизғин суҳбат, аския, айтишувлар ҳамон эсимда. Назаримда, Қори-Ниёзий ўзи билан даврага олов ёки оламолам завқ-шавқ олиб кирарди. Одамлар қалбига нафақат нур, чеҳрасига табассум, балки илмга, фанга меҳр-муҳаббат ҳам улашарди. Бошда гилам дўппи, бошяланг бўлган пайтлари эса оқ-қора аралаш жингалак сочли, барваста қомат, нимтабассум чеҳра кўз олдимда муҳрланиб қолган.

Маҳсидўзнинг оламни сўраган олим ўғли

Қори-Ниёзий 1897 йил 2 сентябрда Хўжанд шаҳрида, маҳсидўз оиласида туғилган. У Қори-Ниёзий деб аталувчиларнинг биринчиси эди. Ўзининг “Босиб ўтилган йўл ҳақида ўйлар” китобида бундай ёзади: “Ўша пайтларда одамнинг исмига ишлаётган соҳаси қўшиб айтиларди. Масалан, ганчкор Абдулла, темирчи Маҳмуд каби. Отамни қори Ниёз маҳсидўз деб аташган. Яна бошқа даврларда ўқимишли, билимли одам деб танишган. Отам халқ эпосига, шеъриятга қизиққан, хотираси ҳам кучли эди. Умар Хайём, Бедил, Ҳофиз шеърларини ёд айтарди. Исломга оид муқаддас китобларни чуқур билгани, ўргангани боис, уни қори, яъни Қуръонни ёддан билгувчи деб аташган”.

Қори Ниёз ўғлидаги илмга ҳавас, қизиқишни тез пайқайди. Шу боис, ёлғиз фарзандини ўқишга ундайди, Тошмуҳаммад бошланғич билимни эски услубдаги мактабда ола бошлайди. 1 йил ўқиб, Скобелев (ҳозирги Фарғона)даги рус-тузем мактабига ўтади. 1915 йили мактабни муваффақиятли тугатади. 2 йилдан сўнг, 1917 йили Скобелевда ўзи ташкил қилган мактабда ўқитувчилик қилади. Мактаб ўзига қадрдон бўлган рус-тузем ўқув даргоҳи қошида ташкил этилганди. Уни дастлабки кунларданоқ Тошмуҳаммад Ниёзий бошқарган. Меҳнатининг самараси тез кўзга ташланган. Унинг жамоаси Туркистон халқ таълими тизимида энг намунали ҳисобланган.

Олимнинг уй-музейида

Йиллар ортда қолди. 1980 йиллар бошида Чилонзордан Дархонга кўчдик, уйимиз жойлашган кўчанинг номи Қори-Ниёзий эди, оз бўлса-да, у одамни кўрганим учун фахр туйдим. Унинг эришган ютуқлари, ўзбек илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси бениҳоя катта. Бундай алломалар яшаган жойларни зиёрат қилиш, руҳларини шод этиш улуғ савоб, дейди халқимиз. Шу мақсадда Қори-Ниёзий уй-музейига бордим.

Кўк дарвоза пештоқидаги мармарга битилган ёзувни ўқийман: “Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Т.Н.Қори-Ниёзий яшаган”. Қўнғироқ тугмасини босдим. Ичкаридан чиққан ўрта бўй, истарали киши хушмуомалалик билан ичкарига таклиф қилди. У Жўрабек Ўразаев — олимнинг рафиқаси Ойша опанинг жияни экан.

Мўъжазгина ҳовлига қадам қўяр эканман, бу ердаги оддийлик, сокинлик, саришталик, айниқса, ҳовли юқорисидаги айвон мозийдан сўзлаётгандек. Ҳовлига кўрк бўлиб турган чилонжийда, хурмо, айниқса, кўкка бўй чўзган шамшодни кўриб ҳайратландим. Умрим бино бўлиб бунақанги катта шамшодни кўрмагандим. Ток ҳам ёғочларга таралган, помидор, булғор қалампири ҳосили мўл пишиб етилган. Турли гулу райҳон ҳам ёқимли ифор таратмоқда. Аммо ҳовлининг шундоққина тепасида қад кўтарган 9 қаватли бино устингизга босиб тушаётгандек дилни хира қилади. Чап томонга бурилдик. Оёқ кийимларимизни ечиб йўлакка кирганимизда, сўл томондаги хонада бизни ёшгина аёл қарши олди.

— Келинг, хуш кўрдик!

— Вақтингиз хуш бўлсин. Бу сизнинг хонангизми?

Атрофга разм соламан: компьютер, нусха кўпайтирадиган ва бошқа зарур жиҳозлар.

— Ким бўлиб ишлайсиз?

— Услубчиман, касбим лингвист-таржимон. Москвадаги Халқлар дўстлиги университетини тугатганман. Айни пайтда Қори-Ниёзийнинг барча ижод маҳсуллари архивини тайёрлаяпмиз. Чунки математика, адабиёт, маданият, санъат, астрономия ва бошқа соҳаларга оид у ёзган юзлаб асар, дарсликлар кўплаб келажак авлодларга муносиб қўлланмадир.

— Бу ерда иш бошлаганингизга қанча бўлди?

— Икки йилдан ошди. Лекин ишлашга шу қадар қизиқиб кетдимки, уйда ҳам, йўлда ҳам, ҳатто фарзандларим билан юрганимда ҳам домланинг бу қадар бой илмий мероси борлиги хаёлимни босаверади. Шу боис, Қори-Ниёзийнинг илм-фан соҳасидаги бетакрор бойликларидан ёшларни ҳам хабардор этишни мақсад қилганман...

Боғнинг илк ниҳоллари ва мўл ҳосили

Қори-Ниёзий халқ таълими соҳасида иштиёқ ва режалар билан ишга киришади. У пайтда нафақат ёшлар, балки катталарни ҳам ўқитиш зарур эди. Мамлакатда саводсизликни тугатиш тўғрисида қонун қабул қилинади. 1920 йил охирларига келиб, катталарни ҳам ўқита бошлайди. Қўқон педагогика техникумини ташкил қилади-ю, уни ўзи бошқаради. Билим бериш билан бирга, мусиқа, санъат, театр соҳаларида ҳам қўлланмалар яратади.

1924 йилда техникумни 13 нафар ёш мутахассис тугатади. “Фарғона” газетаси ўша йил 26 майдаги сонини тўлиғича уларга бағишлайди ва битирувчиларни “13 қалдирғоч”, деб атайди. Фидойи ўқитувчи энди математика, табиатшунослик фани бўйича ўзбек тилида китоблар йўқлигини ҳис қилади. Ҳамкасблари билан рус тилидаги ўқув қўлланмаларини таржима қилишга киришади. Шунингдек, илк китобларини ёзади. Ўзбек тилидаги “Ҳаёт мактаби”, “Табиатнинг бир бўлаги” каби дарсликлар илм соҳасида инқилобга тенг эди.

Ўз билимини ошириш мақсадида Қори-Ниёзий Ўрта Осиё давлат университети физика-математика факультети талабаси бўлди. Орадан 4 йил ўтгач, 1930 йили ўзбеклардан биринчи бўлиб математика соҳасида диплом ёқлаган.

Ўзбекистон Фанлар академияси асосчиси ва унинг биринчи президенти, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1931 йилда ўзбеклар орасида биринчилардан профессор унвони, 1939 йилда физика-математика фанлари доктори илмий даражаси — булар олимнинг илм йўлидаги баъзи босқичлар, холос.

Қори-Ниёзий нафақат математика, балки Марказий Осиё мутафаккирларининг бой илмий-маданий меросини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишга муносиб ҳисса қўшган, фикр қамрови кенг олим сифатида ҳам катта илмий мерос қолдирди. Шу жумладан, унинг жаҳонга машҳур “Улуғбекнинг астрономик мактаби” асари диққатга сазовордир.

У нафақат йирик олим ва педагог, балки жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам ёрқин фаолият юритган. Қори-Ниёзийнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида уч юздан зиёд илмий асари, монографияси ва мақоласи босилиб чиққан. У ўзбек халқи шуҳратини нафақат ўз юртида, балки ўнлаб хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро илмий кенгашларда кўз-кўз қилган.

Уни Ўзбекистон зиёлиларининг чинакам оқсоқоли, дейиш мумкин. Қори-Ниёзий бутун умрини илм ва маданиятга хизмат қилишга бағишлаган. Ўзбекистонда илм ва маданият ривожи бевосита унинг номи билан боғлиқ.

Уй-музейнинг қувонч ва ташвишлари

Хонадан чиқиб залга кирдик. Руҳимда ўзига хос ўзгариш сездим. Рўпарада олимнинг портрети, ўртада стол-стуллар. Озода, саришта, гард йўқ. Бир томонда олимнинг шогирдлари, илм-фан дарғалари Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов, М.Салоҳиддинов, академиклар Т.Жўраев, Ш.Аюпов, А.Саъдуллаевнинг суратлари. Чап тарафда тарих лаҳзалари: олимнинг Лутфихон ая, Тамарахоним билан тушган суратлари, иш фаолияти ва ҳаёт йўллари акс этган лавҳалар. Уларга нигоҳ ташлар экансиз, худди ўша даврга тушиб қолгандек сезасиз ўзингизни. Хонани айланишда давом этиб, Амир Темур қабри очилиши сурати ёнида тўхтадик: Қори-Ниёзий, Герасимов, Малик Қаюмов...

Қайд этишларича, ўшанда Малик Қаюмовнинг кўзига кўплаб салла ўраган кексалар кўринган экан. Қабр очилишининг эртасига Иккинчи жаҳон уруши бошланган. Хона бурчагида турган Қори-Ниёзий бюсти ҳам хуш кайфият билан қарши олаётгандек. Ижодхонага ўтдик. Назаримда, китоблар дунёсига кирдик. Бу ерда ҳам саришталик, озодалик ҳукмрон. Стол устига ручкадан тортиб турли мамлакатлардан келтирилган совғаларгача қўйилган.

Жавондаги китоблар чиройли терилган. Сарғайган ранглари уларнинг қадимийлигидан дарак беради. Алломанинг ўзи яратган муаллифлик китоблари кўзни қамаштиради. Улар тарих, маданият, математика, адабиёт, астрономия каби мавзулар бўйича алоҳида терилган. Орасида ноёб топилмалар ҳам борлиги сезилиб турибди. Жавонга назар солар эканман, ундан кам фойдаланганимдан афсусландим.

1918-1920 йилларда Қори-Ниёзий Ҳамза Ҳакимзода билан бирга ўзбек театр санъати, маданияти ривожига хисса қўшган. Бир неча чет тилларни тўлиқ билгани боис, у турли давлатларга сафари чоғида бемалол мулоқот қилганидан кўпчилик ҳайратлангани ҳақида эшитганмиз. Афсуски, ҳозирги ёшлар булар ҳақида кам билади.

Бир олам таассурот билан ташқари ҳовлига чиқдик. Сўрида бир киши ўтирган экан, уни музей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Акром Алимов деб таништиришди.

Акром Алимовнинг айтишича, бу даргоҳ тарғиботига катта эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда музейга келувчилар сони кўпайиб, ундаги бебаҳо бойликлардан, ноёб китоблардан ёшлар баҳра олади.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

Азиз ҚАЮМОВ,
академик, филология фанлари доктори:

— Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий домулла ХХ аср ўзбек илм-фан дунёсида ўзига хос ўрин тутган буюк сиймо эди. Ўзбекистон Фанлар академиясига ишга келган ёш илмий ходимлар авлоди ана шундай улуғлар тарбияси остида шаклланган.

Всеволод РОМАНОВСКИЙ,
академик:

— Қори-Ниёзий ҳозир барча томонидан тан олинган ўзбек математика тилини яратди. Ўзбек халқи чархланган фикр қуролига эга бўлдики, бу унинг кейинги ривожланишида катта роль ўйнайди.

Мақсуд ҚОРИЕВ,
ёзувчи, журналист:

— Мен атоқли олим, мутафаккир Қори-Ниёзий музейини кўриб, бу ажойиб илм кошонасини ташкил этган отамизнинг садоқатли ўғиллари Шавкатжонга ўз миннатдорлигимни билдираман. Зеро, Қори ака мен учун ҳам ён қўшни, ҳам устоз эди. Қори акадан кўп нарсаларни ўрганганман. Ул улуғ зот аллома сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам тенгсиз эди. Ўзбегимнинг ҳақиқий ўғлони, Фанлар академиясининг биринчи президенти эди. Газетада (“Ўзбекистон овози”) маънавий ва маърифий кенгашнинг раиси сифатида узоқ йиллар журналистларга илм-фандан, инсонийликдан сабоқ берган устоз эди. Биз ул зотнинг сиймоси олдида бош эгамиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-964.
81594 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:35